

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фаргона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)

LEEDONG WOOK. (ЖанубийКорея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)

ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.

Мусахҳиҳ: Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:

150100, Фаргона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фаргона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

Фаргона,
2021.

М.Исамиддинов Қадимги Фарғона ва Суғд кулолчилигини ўрганишнинг айрим долзарб масалаларига доир	72
Б.Усмонов Фарғона водийси Темурийлар даври тарихининг жаҳон темурунослигида ўрганилиши	77
Лианг Юн, Н.Камбаров Қанғ маданияти ҳақида хитойлик олимларнинг фикрлари	81
О.Пуговкина Туркистонда 1917 йил февраль инқилоби: Туркистонда “собик” империя амалдорларига бўлган ижтимоий эҳтиёж ва уларнинг сиёсий фаоллиги	90
А.Ўткиров Хайрия ва ҳомийлик феномени илмий-назарий таҳлили	98
С.Ҳақимова XIX-XX аср боши тарихий манбаларида Ўзбекистон ҳудудидаги сув ҳавзаларига оид маълумотлар	103
С.Анаркулов Тошкент вилояти саноат шаҳарлари аҳолисининг этник тарихи ва таркиби хусусида.....	110

АДАБИЁТШУНОСЛИК

З.Қобилова, Н.Турсунова Татаббулар силсиласи.....	118
П.Туропова Услуб жилолари ёхуд адиб маҳорати	123
Д.Ғуломов Ретроспектив сюжет хусусида айрим мулоҳазалар	128
М.Маҳмудова Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳукмронлиги даврида сув иншоотлари ва боғдорчилик санъати.....	134

ТИЛШУНОСЛИК

Р.Сайфуллаева, Н.Ғайбуллаева Тиббий эвфемизмларнинг социал хосланиши	138
Т.Эназаров, С.Ғаниева Инглиз ва ўзбек тиллардаги аёллар исмларининг келиб чиқиши тарихидан	145
М.Мамажонов Антропонимларни дискурс релеванти сифатида тадқиқ этишнинг лингво-этномаданий асослари	150
Ж.Абдуллаев Тил қурилишининг асосий бирликлари академик Азим Ҳожиёв талқинида	155
Д.Собирова Ўзбек болалар шеърояти морфопоэтикаси	160
Д.Шокирова, Ш.Шокиров Инглиз тилида “property-мулк” концепти тадқиқи.....	164
Н.Абдурахмонова Ўзбек тили электрон корпуси учун матнлар репрезентативлиги масаласи	169
А.Мусоева Self-нинг Ўзбекистон таълим тизимида жорий этилиши билан боғлиқ муаммолар.....	174

УДК: 8.04+.001.1+80

РЕТРОСПЕКТИВ СЮЖЕТ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

НЕКОТОРЫЕ ВОЗЗРЕНИЯ О РЕТРОСПЕКТИВНОМ СЮЖЕТЕ

SOME COMMENTS ON RETROSPECTIVE PLOT

Ғуломов Дониёрбек Дилшоджон ўғли

¹Дониёрбек Дилшоджон ўғли Ғуломов – Фарғона давлат университети, ўқитувчи.**Аннотация**

Мақолада ретроспекция атамаси, унинг бадий адабиётда қўлланилиши, ретроспектив сюжет, ретроспектив сюжет функцияси, типлари, хусусиятлари ҳақидаги рус ва ўзбек адабиётшуносларининг назарий қарашлари мисоллар ёрдамида таҳлилга тортилган.

Аннотация

В статье анализируются теоретические взгляды русских и узбекских литературоведов на термины «ретроспективный сюжет», «функции ретроспективного сюжета», их типы, особенности, применение в художественной литературе.

Annotation

The article analyzes the theoretical views of Russian and Uzbek literary critics on the terms "retrospective plot", "functions of the retrospective plot", their types, features, application in fiction.

Таянч сўз ва иборалар: сюжет, ретроспекция, қистирма эпизод, тип, хронологик, концентрик, ўтмишга қайтиш (ўтмишни жонлантириш), ўтмишга назар ташлаш, ретро, тасниф, қаҳрамон, воқеа, функция, тип, бадий асар.

Ключевые слова и выражения: сюжет, ретроспекция, вставка эпизода, тип, хронологический, концентрический, возврат в прошлое (возрождение прошлого), взгляд в прошлое, ретро, классификация, герой, событие, функция, тип, произведение искусства.

Key words and expressions: plot, retrospective, episode insertion, type, chronological, concentric, return to the past (revival of the past), look into the past, retro, classification, hero, event, function, type, work of art.

Ўзбек адабиётшунослигида сюжетни типларга ажратишда асосан икки хил: хронологик ва концентрик кўринишлари мавжудлиги таъкидланган [1,171]. Бундай таснифни нафақат ўзбек, балки рус адабиётшунослигида ҳам учратиш мумкин. Жумладан, рус адабиётшунослари В.Хализев [2,88], Г.Поспелова [3,120-122] сюжетнинг хроникали ва концентрик типлари мавжудлигини қайд этадилар. Лекин адабиётшунос А.Раҳимов ушбу масалага атрофлича ёндашган ҳолда, юқоридаги сюжет типларига қўшимча тарзда сюжетнинг яна икки типи: ретроспектив ва ассоциатив шакллари мавжуд эканлигини энг сара романлар мисолида кўрсатиб ўтади [4,27-37].

Шу маънода тадқиқот объекти бўлган – ретроспекция атамаси ва таснифларига тўхталиб ўтсак. Адабиётларда ретроспекция терминиға қуйидагича изоҳлар берилган:

- Ретроспектив текшириш, орқага қараш. Бадий адабиётда ретроспекцияни қабул қилиш (ўтмишдаги воқеаларни ривоятга киритиш). Ретроспекция бадий усул, қаҳрамон (қаҳрамонлар) ўтмишга мурожаат, олдинги воқеаларни кузатиш [5].

- Кузнецованинг изоҳли луғати: ретроспектив. [лот. орқага ва орқага қараш] ўтмишга назар ташлаш, ўтган воқеаларни шарҳлаш.

- Ожеговнинг изоҳли луғати: ретроспектив – ўтмишга назар ташлаб, ўтмишга назар солиш. Ретроспектив қараш.

- Кичик академик луғат: ретроспектив – ўтмиш ҳақида ўйлаш, ўтмишга назар ташлаш учун бағишланган.

- Рус тили синонимларининг луғати: ретроспектив – олдинги ҳолатга қайтарилган.

- Рус тилининг галлицизм луғати: ретроспектив – лот. ретро орқа, ўзига хос

АДАБИЁТШУНОСЛИК

кўриниш. Ўтмишга назар ташлаб, ўтган воқеаларни кўриб чиқиш.

- Чет эл сўзларининг катта луғати: ретроспектив – (лотинча. орқага ва ўтмишга қараш). Ўтмиш ҳақида баёнот ёки шарҳни ўз ичига олган ҳолда, ҳозирги кундан ўтмишга ўтиш.

- Изоҳли таржима луғати: ретроспектив – орқага ёки ўтмишга назар ташлаб, ўтмиш, ўтмиш воқеаларига ишора [6].

Кўринадики, ретроспектив концепциянинг этимологияси лотин тилига ва “орқага қараш” деган маънони англатувчи “**ретросписёре**” терминига ишора қилади. Шундай қилиб, ретроспекция – бу, ўтмишдаги ривожланиш ёки қилинган ишларни ҳисобга оладиган усул. Хусусан, терминни учта таркибий қисмнинг йиғиндиси, дейиш мумкин:

“Орқага” деб таржима қилиниши мумкин бўлган “ретро” префикси. “Кўриш, қарамоқ” сўзига синоним бўлган “спере” феъл. “-тиво” қўшимчаси пассив ёки фаол муносабатларни билдириш учун ишлатилади.

Ретроспекциянинг бадиий асар таркибида, яъни сюжет қурилишининг янги шакли сифатида қўлланилиши ўз-ўзидан ретроспектив сюжет нима, сюжетнинг бундай типда қурилиши қай тартибда вужудга келган ва унинг ўзига хос томонлари нимада? – деган жумбоқли саволларга жавоб топишни тақозо этади.

Бу борада рус ва ўзбек адабиётшуносларининг назарий қарашларида, мавжуд дарсликларда қарама-қаршиликларнинг учраши ва бу мавзу доирасида яхлит фикрларнинг мавжуд эмаслиги мавзунинг долзарблигини янада оширади. Жумладан, сюжетнинг бундай шаклда қурилишини рус адабиётшуноси М.Петрова “Ретроспекция одамнинг ўтмишга мурожаат қилиши, ўтмиш воқеаларини ўрганиш, маълум вақт оралиғида уларнинг руҳий мослашуви матннинг бадиий тузилишини шакллантиришнинг ўзига хос усули ҳисобланади” [7], дея таърифлайди.

Рус адабиётшуноси М.Пономареванинг фикрича, “Ретроспекция, биринчи навбатда, сюжет

ва фабула вақтидаги ретроспектив воқеа жойининг мос келмаслигини англатади. Бу ҳар доим ҳикоянинг прогрессив ривожланишидаги ўзига хос кечикишни англатади” [8].

Л.Н.Федорова эса ретроспекцияни – “илгари тақдим этилган асосли ва ҳақиқатли маълумотларга мурожаат қилиш”, деб атайди ҳамда ретроспекциянинг асосий вазифаси информациондир, у бадиий асарнинг мазмуни билан бевосита боғлиқдир [9], деб таъкидлайди.

Немис бадиий адабиёти мисолида ретроспекцияни кўриб чиққан Н.В.Брускова талқинига кўра, ретроспекция – бу, “матннинг кейинги қисмида ўқувчини олдинги матнда тасвирланган воқеалар олдидан содир бўлган воқеаларга тааллуқли бўлган воқеалар тақдимоти” [10,23].

Ушбу соҳада тадқиқот олиб борган адабиётшунос А.Раҳимов эса “Ёзувчи асарда содир бўлаётган асосий воқеаларнинг ривожланишини тўхтатиб қўйиб, орқага, ўша воқеаларнинг бошланиш манбаларига қайтади. Бу, кўпинча тақдири тасвирланаётган персонажнинг ўтмишига – биографиясининг олдинги босқичларига қайтиш тарзида юз беради. Масалан, Бальзак кўпинча ўз қаҳрамонларини мураккаб ҳолатларга солиб қўйиб, уларнинг олдинги тақдирига қайтади, қаҳрамоннинг ҳозирги ҳолатга тушиб қолишига сабабчи бўлган шароитларни бадиий таҳлил қилади. Бу эса ўз навбатида, персонажларнинг аҳволи руҳияси, характери ҳамда келажагини ҳам тасаввур қилиш учун имкон тўғдиради” [4,27-28], деб таърифлайди.

Тадқиқотчи Б.Тўраеванинг фикрича эса “Ретроспекция воқеани сюжетнинг ҳозирги ҳолатидан ўтган замонга қараб йўналтиради. Баъзида сюжетнинг ҳолати фақатгина хотирлаб, ҳикоя қилиш учун асос бўлади.

Ретроспекция – композицион асослаш воситаси бўлиб, қаҳрамон ҳаётини, унинг олдинги тарихини кенгайтириш учун имконият яратади, аҳвол ҳолатини аниқлаштиради” [11,2-3].

Бундан кўриниб турибдики, **ретроспекция** (лот. ретро — ўтмишга,

ортга, спестаре — қарамок; ретроспектив, лот. ретросписере — ўтмишга қайтиш, ўтмишни жонлантириш) деган маъноларни билдириб, асосий воқеалар кульминациядан бошланиб, маълум жойда воқеа тўхтатилиб, кульминациягача бўлган воқеа-ҳодисалар, қаҳрамонлар фаолияти жонланади. Ретроспекция бадиий асарда адабий усул сифатида катта роль ўйнайди. Бу, ўтмиш ва ҳозирги замон ўртасидаги боғлиқликдир. Ретроспекция туфайли ўқувчи илгари олинган маълумотларни қайта тиклаб, уни қайта кўриб чиқиши ва охир-оқибат муаллифнинг ниятини англаб етиши мумкин. Аввалига тушунарсиз, иккиламчи бўлиб туюлган маълумот, такрорий эслатиб ўтилганлиги туфайли аниқлашади ва маълум бир аҳамиятга эга бўлади. Асосий воқеагача бўлган воқеалар тасвирининг муҳим қисми билан тавсифланади, айрим ҳолларда асар охиридан бошланади. А.Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романида Солиҳ Маҳдумнинг, Ҳ.Олимжоннинг “Зайнаб ва Омон” достонида Зайнаб ва Омоннинг ўтмиши тасвири, Ў.Ҳошимовнинг “Тушдан кечган умрлар” романида Рустамнинг кундалиги, комиссарнинг қатағон йилларидаги фаолияти, Ў.Умарбековнинг “Ёз ёмғири” қиссасида Раҳим Саидовнинг Мунисхон билан илк учрашуви, бирга ўтказган кунларини тез-тез эслаши, “Одам бўлиш қийин” романида эса Ғофуржон аканинг Турсунали Қурбонов билан учрашгани, унга ёрдам берганини хотирлаши, Абдулла ва Гулчеҳранинг илк учрашувларини ёдга олишлари, Т.Маликнинг “Шайтанат” қиссасида Асадбекнинг болалик даври тасвири вақти-вақти билан орқага қайтиш, яъни ўтмишга назар солиш намунаси бўла олади.

Демак, ретроспектив сюжетнинг асосий вазифаси персонажларнинг ўтмиши ҳақида хабар бериш, баҳолаш, образни тушуниш, ҳодисаларни изоҳлаш, тушунтириш ва драматизмни кучайтиришдан иборат.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, романларда “қаҳрамоннинг биографик ўтмишига қайтувчи” усул [12,203]

сифатида пайдо бўлган ретроспектив сюжет типи, ҳозирги замон романларда анча мураккаб, таҳлилий характер касб этмоқда. У орқали муаллиф шунчаки қаҳрамоннинг ўтмиши – биографиясига қайтиб қолмасдан, қаҳрамоннинг ички дунёси, кечинмалари ва интилишларини чуқур таҳлил қилмоқда. Бошқача қилиб айтганда, “сюжет қуришнинг ретроспектив усули қаҳрамон ички дунёсини тафтиш қилиш воситасига айланди” [13,69].

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ретроспекция (хотирлаш, эслаш) санъатининг бошланиш нуқтаси деб Марсель Прустнинг “Йўқотилган вақтни қидириб” (В поисках утраченного времени) романи тилга олинади.

Бундан ташқари ретроспекция асосан иккита асосий маънода қўлланилмоқда:

- а) ўтмишдан қўйилган воқеа (эпизод);
- б) ҳикоя қилувчи қурилма (восита).

Ретроспектив сюжетнинг илк кўринишларидан бири воқеа материални таништиришнинг энг қадимги шакли – бу, қистирма эпизодлар (алоҳида эпизодлар, сафдошларнинг ҳикоялари ва бошқалар). Бундай қистирма воқеалар натижасида асарнинг бадиий вақти кенгайиб, мутлақо бошқа миқёсга эга бўлади. А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи бош қаҳрамони Отабекнинг уста Алим билан учрашуви, уста Алим ҳикояси ва бу ҳикоянинг айнан Отабекнинг қувилгани, хўрлангани пайтига тўғри келиши, Отабекнинг ўз тақдирини уста Алим тақдири қиёсида кўриши, сюжетнинг тормозланиш нуқтасига келиб қолганда киритилиши ҳам ретроспектив эпизоднинг сюжетни юргизувчи, тормозланган ҳолатда ҳаракатга келишига туртки берувчи, асар қисмларини мантиқий боғловчи, бош қаҳрамонни ҳаракатга солувчи куч сифатида ҳам кўриш мумкин.

Бундан кўришиб турибдики, асарнинг таркибий қисмларини бирлаштиришга ҳисса қўшган ретроспекция, шу билан бирга, сюжетнинг кейинги ривожланишининг манбаи ҳисобланади. Шунинг учун Л.Н.Федорова ундаги қуйидаги функцияларни ажратиш мумкин, деб ҳисоблайди: 1) сюжетнинг ривожланишига ёрдам берувчи функция;

АДАБИЁТШУНОСЛИК

2) сюжетнинг ривожланишини секинлаштирувчи функция.

Асарнинг бошидаги ретроспектив қисм сюжетни ривожлантирувчи функцияни бажаради. Бундай ҳолда, асарнинг ретроспектив қисми, сюжетни олдиндан белгилаб берадиган ёки ривоят жараёнида маълум бир бурилишни кўрсатадиган маълумотларни ўз ичига олади. Матннинг бошида киритилган ҳикоянинг ретроспектив сегменти бадиий маконни яратишга ҳисса қўшади, асар қаҳрамонларини тавсифлайди [9,116].

Ретроспекциянинг сюжет ривожланишини секинлаштирувчи функцияси сюжетнинг ривожланишига таъсир қилмайди, аксинча, ҳаракат вақтининг кенгайиши ҳисобига бир қарашда сюжет ривожини секинлашгандек туюлиши мумкин, аслида эса сюжет ривожини ички ҳаракат динамикасига кўчади ва ривожланишда давом этади. Кўриб турганимиздек, ретроспекция, авваламбор, макон билан эмас, балки ҳаракат вақти билан боғлиқ.

Сюжет қуришнинг ретроспектив усули ва унинг элементларидан фойдаланишга интилишнинг кучайиб бориши натижасида, ретроспектив сюжет усули борган сари турли кўринишларда эпик ривоят таркибига чуқурроқ сингиб бормоқда.

Адабиётшунос А.Раҳимов “сюжет қуришнинг ретроспектив усули автор ҳикояси, хотиротлари, атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга реакцияси, ассоциацияси сингари турли-туман шакл ва кўринишларда, ранг-баранг ҳолда намоён бўлмоқда” [4,30], деб таъкидлайди.

Айрим манбаларда бадиий асарда ретроспектив сюжет кўринишлари шартли равишда қуйидагича таснифланади:

I. Ретроспектив ривоя ким томонидан амалга оширилишига кўра:

- 1) ҳикоячи-муаллиф ретроспекцияси;
- 2) ҳикоячи-персонаж ретроспекцияси;
- 3) солномачи-ҳикоячи ретроспекцияси.

II. Ретроспектив ривоя қандай формада берилишига кўра:

- воқеалар муайян “шахс” нигоҳи орқали;

- “шахс” ўтмиши билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар, унинг ҳаёли воситасида;

- “шахс”нинг ўтмишда содир бўлган ёки ўша “шахс” фантазияси орқали яратилган воқеалар, унинг туши орқали;

- “шахс” томонидан кундалик (ёзма) тарзда берилади.

III. Ретроспектив ривояда берилган воқеалар содир бўлган пайтига кўра:

1) ҳозирда содир бўлаётган жараёнлар персонажнинг унсиз нигоҳи орқали;

2) яқин ўтмиш дилдан ўтган ҳаёл ёрдамида;

3) узоқроқ ўтмиш эса хотиралар воситасида берилади [13,69-70].

Рус адабиётшуноси М.Меркулова эса “бадиий асарда ретроспектив композиция: муаллиф позицияси (ёндашуви, муносабати), қаҳрамон тасвири ва визуал-тасвир воситаси сифатида қўлланилади” [14], деб таъкидлайди.

Б.Тўраева ретроспекцияни қуйидаги тўрт турга ажратади: мини ретроспекциялар, ретроспекция ичра ретроспекциялар, ретроспекциянинг ички ретроспекциялари ичра ретроспекциялар, ретроспекциялар ҳамда проспекция аралаш ретроспекциялар [15,22].

Юқорида келтирилган назарий қарашларни мисоллар билан таҳлил қилиб кўрамиз: муаллиф позицияси (ёндашуви, муносабати) – ўқувчига воқеани эмас, қаҳрамон хатти-ҳаракатларига диққат-эътибор қаратиш, унинг шахсини англаш имконини беради ва бу, воқеа асосида ётади. Бунинг яққол мисолини Ў.Ҳошимовнинг “Тушда кечган умрлар” романидаги образлардан бири – Соат Ғаниевнинг болалиги эсланиши лавҳаларидан кўриш мумкин:

“...Бир куни Соат браунингни мойлаб ўтирган дадасидан сўради:

- Нега эшоннинг девори бизникидан баланд?

Дадаси кулди.

- Эшон ўзининг қора қилмишларини элдан яшириш учун кўрғонини баланд девор билан ўраб олган, ўғлим! Яқинда ҳаммасига қирон келтирамиз, эшон ҳам бўлмайди, бой ҳам ...

...Соат бир нарсани тушунмас, тушунишни ҳам, хоҳлагиси ҳам келмасди:

қизик, ўша воқеалардан кейин онаси ...тўсатдан намозхон бўлиб қолди. Жойнамоз устида юзига фотиҳа тортаётиб, баралла тавалло қилади:

...Эшон ота! Биламан, сизда гуноҳ йўқ. Қаерда бўлсангиз ҳам умр-жонингизга баракот ато этсин!

Охири Соат чидолмади. Жойнамоз устида ўтирган онасининг бошига ўдағайлаб борди.

- Ўчиринг-е! Унсурлар дадамни ўлдирсин-да, сиз уларни дуо қилинг?!".

Яна бир эпизодда:

"Душман! Ҳаммаси душман! Илоннинг боласи – илон, чаённинг боласи – чаён!...". Соат дафъатан хаёлига келган гапдан кўнглида алам ва айни пайтда алланечук енгиллик туйди".

Бошқа эпизодда эса:

" - эшитиб қўйларинг! – деди Соат алам аралаш ғазаб билан. – Мен Комиссар бўламан! Албатта бўламан! Ҳаммангни отаман! Битта-биттадан отаман!" [16,34-39].

Болалигидаги воқеа-ҳодисаларни, хотираларнинг жонлантирилиши Соат Ғаниевни шахс сифатида англаш, унинг хатти-ҳаракатларининг ва қандай қилиб бундай разил, тирноқ ичидан кир қидирадиган, атрофдагиларга гумон кўзи билан боқадиган, умри давомида бирорта ҳам дўст орттирмаган, қисқача қилиб айтганда: ҳақиқий совет тузуми, совет мафкураси таъсирида шахс сифатида ривожланиши, шаклланиши, шу билан билан бирга, унинг характерини изоҳлаш, тафтиш этиш, очиб беришга хизмат қилади ва ўқувчи (китобхон)га айнан шу томонларни англаш, тушунишга имкон беради.

Худди шундай ҳолат Ў.Умарбековнинг "Ёз ёмғири" қиссаси қаҳрамони Мунисхоннинг ёшлигини эслашда унинг хатти-ҳаракати, характерини очиб беришга кўмаклашади [17]. Натижада, юқорида келтирилган икки мисолда ҳам, китобхон асарнинг бошланишида тушунарсиз бўлган воқеалар, характерларнинг қандай вужудга келганлигини аста-секин тушуниб боради.

Ретроспектив сюжет қурилишининг кўринишларидан бири, қаҳрамон тасвири

ретроспекциясида унинг орзулари, хоҳиш-истаклари, хотиралари кетма-кет тушлар ва диалоглар орқали намоён бўлади.

Бундай ҳолатларни Ў.Умарбековнинг "Ёз ёмғири" қиссасидаги бош қаҳрамон Раҳим Саидов ва Ў.Ҳошимовнинг "Тушда кечган умрлар" романидаги Рустамнинг кетма-кет тушлари тарзидаги мисолларда кузатиш мумкин.

Ретроспекциянинг бадиий асарда турли шаклларда кузатилиши, асарнинг нутқ аспектларидан (ривоя ким томонидан амалга оширилишига кўра), ундаги воқеалар (ривоя қандай формада берилишига), бу воқеаларнинг қандай вазиятда қўлланилиши (ривояда берилган воқеалар содир бўлган пайтига), асар қаҳрамонининг ҳолати (А.Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романида уста Алим эпизодининг киритилиши, бу вақтдаги Отабекнинг руҳий ҳолати), унинг хатти-ҳаракатларининг изоҳланиши заруриятдан келиб чиқади.

Эндиликда, ретроспектив ҳикоя қаҳрамоннинг ички дунёсини таҳлил қилиш, асар персонажининг ўй-хаёллари, изтироб ва кечинмаларини бериш воситасига айланиб, уларнинг ўз хатти-ҳаракатларининг ўз тилидан таҳлил қилиниши, китобхонга қаҳрамонни чуқур англаб етишга, асардаги вазият, асарнинг мазмунини чуқурроқ тушунишга ёрдам беради.

Бундан ташқари, илгари сюжетдаги ретроспектив линиялар асосий сюжет линияларига боғлиқ бўлмаган, алоҳида ҳикоя ичидаги ҳикоя, асар қаҳрамонининг ўтмишидан бир лавҳа, эпизод шаклларида кузатилган бўлса, ҳозирги кунга келиб сюжетнинг турли қисмларини боғловчи, асар воқеалари, қаҳрамонлар хатти-ҳаракати изоҳланиши, сюжетни ривожлантирувчи, китобхоннинг қаҳрамонларни янаям чуқурроқ англаши, асарнинг ғояси, ёзувчи мақсадини тушуниб етишини таъминламоқда.

Бадиий асар (айниқса, романлар)да сюжет қурилишининг ретроспектив усули, қисман асосий воқеагача бўлган ҳодисаларни тасвирлаш ва бу орқали бадиий асар қаҳрамонларининг ички дунёсини, характеридаги ўзгаришлар сабабини тушуниш, таҳлил этиш билан

АДАБИЁТШУНОСЛИК

бирга, асардаги “бадий вақт” имконини кенгайтириб, асарда ҳозирги ва ўтмиш орасида кўприк вазифасида, қаҳрамоннинг ўтмишига, ривожланиш тарихига назар солиш учун қулай восита сифатида кенг қўлланилмоқда. Бадий асар таркибида ретроспекциялар – ривоят усули, қандай формада берилиши,

ундаги воқеаларнинг содир бўлган пайти, муаллиф тасвири, қаҳрамон тасвири, ретроспектив–хотира, ретроспектив–ҳикоя, ретроспектив – ривоят, ретроспектив–эпиграф, асосий сюжетга нисбатан тормозловчи ва ривожлантирувчи каби турли хил функция ва кўринишларда намоён бўлмоқда.

Адабиётлар:

1. Қуроноф Д. Адабиёт назарияси асослари. – Т.: Академнашр, 2018.
2. Хализев В. Драма как явление искусства. – М.: Искусство, 1979.
3. Поспелова Г. Введение в литературоведение. – М.: Высш. школа, 1983.
4. Раҳимов А. Ўзбек романи поэтикаси: Филол. фанлари д-ри дисс... Фарғона, 1993.
5. <http://www.philol.msu.ru/~tezauros/docs/3/dictionary.php?label=%D0&wod=%D0%E5%F2%F0%EE%F1%EF%E5%EA%F6%E8%FF>
6. <https://gufo.me/dict/kuznetsov/%D1%80%D0%B5%D1%82%D1%80%D0%BE%D1%81%D0%BF%D0%B5%D0%BA%D1%82%D0%B8%D0%B2%D0%BD%D1%8B%D0%B9>
7. <https://cyberleninka.ru/article/n/retrospektiya-kak-sposob-postroeniya-liricheskogo-syuzheta-v-poezii-s-a-esenina-motiv-vospominaniy/viewer>
8. <http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/20425/1/dc2-2011-48.pdf>
9. Федорова Л.Н. Категория ретроспекции в художественном тексте (на материале английского языка): Дисс... канд. филол. наук. – М., 1982.
10. Брускова Н.В. Категории ретроспекции и проспекции в художественном тексте (на материале немецкого языка): Дисс... канд. филол. наук. – М., 1983.
11. <https://uzjournals.edu.uz/philolm/vol2019/iss1/3/>
12. Коробан В. Современный молдавский роман. – М.: Сов. писатель, 1979.
13. Раҳимов З. “Кўхна дунё” романи поэтикаси. – Фарғона, 2005.
14. <http://www.world-shake.ru/ru/Encyclopaedia/3770.html>
15. Тўраева Б. Тарихий романларда бадий замон муаммоси: Филол. фанлари фал. д-ри (PhD) дисс... ав-ти. – Т., 2018.
16. Ҳошимов Ў. Тушда кечган умрлар, — Т.: Янги аср авлоди, 2018.
17. Умарбеков Ў. Ёз ёмғири, — Т.: Адабиёт учкунлари, 2018.

(Тақризчи: А.Сабирдинов – филология фанлари доктори)